

**МАВЗУ:**

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ БАХТСИЗ  
ҲОДИСА НАТИЖАСИДА  
ЖАРОҲАТЛАНГАНЛАРГА  
ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ  
МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ**

# **Ишнинг мақсади:**

- Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса натижасида жароҳатланганларга етказилган зарарни қоплаш миқдорини аниқлаш методикасини ўрганиш.

- Ишлаб чиқаришда турли сабаблар оқибатида ишловчилар билан бағтсиз ҳодисалар содир бўлиб туради.
- Булар натижасида ишловчилар вақтинчалик иш қобилиятини йўқотиши, ногирон бўлиб қолиши ёки ҳалок бўлиши мумкин.
- Бу ҳолатларда ишловчиларнинг соғлигига етказилган заарни қоплаш масаласи юзага чиқади.

- Ўзбекистон Республикаси **Меҳнат Кодексининг 189...197 моддалари** ҳам ишловчиларга етказилган зарарни тўлаш масалаларига бағишиланган.
- Масалан **Кодекснинг 189-моддасида** ходимнинг соғлиғига меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки у ўз меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли етказилган зарарни иш берувчи тўлиқ ҳажмда тўлаши шартлиги келтирилган.
- **Кодекснинг 191-моддасида** ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганда меҳнат шартномаси тарафларининг аралаш жавобгарлиги ҳолати келтирилган. Унга асосан, агарда жабрланувчининг қўпол эҳтиётсизлиги заарнинг келиб чиқиши ёки қўпайишига сабаб бўлса, тўланиши лозим бўлган зарар миқдори жабрланувчининг айби даражасига қараб, мувофиқ равишда камайтирилади.

- Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни мухофаза қилиш тўғрисида”ги қонунининг 28-моддасида ишловчиларга зиён етказганлик учун корхоналарнинг моддий жавобгарлиги келтирилган.
- Унга кўра маъмуриятнинг айби билан ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги натижасида меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотган ходимга Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартиб ва миқдорда корхона бир марта бериладиган нафақа тўлайди ҳамда соғлиққа етказилган шикаст учун товон тўлайди.
- Бир марта бериладиган нафақа миқдори жамоа шартномаси (битими) билан белгиланади ва жабрланувчининг бир йиллик маошидан кам бўлмаслиги лозим.

■ Қонуннинг 29-моддасида эса ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида ходим вафот этган тақдирда корхонанинг моддий жавобгарлиги келтирилган.

■ Унга асосан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида ходим вафот этган тақдирда корхона тегишли ҳуқуқقا эга бўлган шахсларга моддий зиённи Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартиб ва миқдорларда қоплайди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаб қўядиган миқдорда бир марта бериладиган нафақа тўлайди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ  
МЕҲНАТ ВАЗИФАЛАРИНИ БАЖАРИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ХОДИМНИНГ ҲАЁТИ ВА  
СОҒЛИФИГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ ҚОПЛАШГА ОИД НИЗОЛАР БҮЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ  
ҲАҚИДА**

- Меҳнат вазифаларини бажариши муносабати билан ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиётини умумлаштириш якунларини кўриб чиқиб, қонунларни тўғри ва бир хилда қўллаш мақсадида «Судлар тўғрисидаги»ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, Узбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарор қиласди:
- 1. Меҳнат вазифаларини бажариши муносабати билан ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ низоларни ҳал қилишда судлар Узбекистон Республикасининг Фуқаролик, Меҳнат, Фуқаролик процессуал кодекслари ва ушбу муносабатларни тартибга солувчи Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сонли қарори билан тасдиқланган «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш қоидалари», Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган «Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигини, бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низом», Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги 498-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби тўғрисидаги Низом» билан тартибга солиниши судларга тушунтирилсин.

Ишлаб чиқаришда ўз меҳнат  
вазифаларини бажараётганда содир  
бўлган бахтсиз ҳодисалар натижасида  
ишловчилар соғлигига етказилган  
зиённи, касб касаллиги ёки соғликдаги  
бошқа турдаги зарарланишларни  
қоплаш қоидаси

Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг

2005 йил 11 февралдаги

60-сонли қарори

билин тасдиқланган.

# 1. Ишлаб чиқаришда жароҳатланган кишига етказилган зарарни қоплаш микдорини аниклаш методикаси

1. Мехнат қилиш қобилияти 100 % гача, яъни қисман, йўқотилганда жароҳатланган кишига етказилган зарарни қоплашнинг микдори ( $Z_q$ ) куйидаги формула бўйича аникланади, (сўм):

$$Z_q = M_{ur} - \frac{M_{\min}(100 - n)}{100} - P, \quad (1)$$

бу ерда:  $Z_q$  – жароҳатланган шахсга етказилган зарарни қоплаш микдори, сўм;

$M_{ur}$  – ишловчининг йиллик ўртacha маоши, сўм;

$M_{\min}$  – ишловчилар машининг жорий йилдаги энг кичик микдори, сўм;

$n$  – жароҳатланган шахс томонидан касбий мехнат қобилиятининг йўқотилиш даражаси, %;

$P$  – жароҳатланганга тайинланган пенсия микдори, сўм.

2. Мехнат қилиш қобилияти 100 %, яъни тўла, йўқотилганда жароҳатланган кишига етказилган зарарни қоплашнинг микдори ( $Z_t$ ) куйидаги формула бўйича аникланади, (сўм):

$$Z_t = \frac{M_{ur}(100 - n)}{100} - P, \quad (2)$$

3. Ходимнинг соғлиғига шикаст етказилган ва мехнат шартномаси тарафларининг аралаш, яъни иш берувчи ва ишловчи, жавобгарлиги юзага келган ҳолатда жароҳатланган кишига етказилган зарарни қоплашнинг микдори ( $Z_a$ ) куйидаги формула бўйича аникланади, (сўм):

$$Z_a = M_{yt} - M_{yt,i} - P, \quad (3)$$

бу ерда:  $Z_a$  – аралаш жавобгарлик юзага келган ҳолатда жароҳатланган шахсга етказилган зарарни қоплаш микдори, сўм;

$M_{yt}$  – касбий меҳнатга лаёқатлиликнинг пасайиш даражасига (%) мос келадиган йўқотилган маош микдори, сўм;

$M_{yt,i}$  – ишловчининг ўз айби билан касбий меҳнатга лаёқатлилигининг пасайиш даражасига (%) мос келадиган йўқотилган маош микдори, сўм;

$P$  – жароҳатланганга тайинланган пенсия микдори, сўм.

Касбий меҳнатга лаёқатлиликнинг пасайиш даражасига (%) мос келадиган йўқотилган маош микдори ( $M_{yt}$ ) куйидаги ифода орқали аниқланади, сўм:

$$M_{yt} = \frac{M_{ur} \cdot n_u}{100}, \quad (4)$$

Ишловчининг ўз айби билан касбий меҳнатга лаёқатлилигининг пасайиш даражасига (%) мос келадиган йўқотилган маош микдори ( $M_{yt.i}$ ) куйидаги ифода орқали аниқланади, сўм:

$$M_{yt.i} = \frac{M_{ur} \cdot n_i}{100}, \quad (5)$$

бу ерда  $M_{ur}$  – ишловчининг йиллик ўргача маоши, сўм;

- $n_u$  – жароҳатланган шахс томонидан меҳнат қобилиятининг умумий йўқотилиш даражаси, %;
- $n_i$  – жароҳатланган шахс томонидан меҳнат қобилиятининг ўз айби билан йўқотилиш даражаси, %.

# **Назорат саволлари**

- Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар қанақа сабаблар натижасида юзага келади?
- Бахтсиз ҳодисалар қанақа оқибатларга олиб келади?
- Ишловчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш учун қанақа қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган?
- Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сонли қарори нима түғрисида?
- Мөхнат қилиш қобилияти тўла йўқотилганда жароҳатланган кишига етказилган зарарни қоплашнинг миқдори қанақа формула бўйича аниқланади?
- Мөхнат қилиш қобилияти қисман йўқотилганда жароҳатланган кишига етказилган зарарни қоплашнинг миқдори қанақа формула бўйича аниқланади?
- Мөхнат шартномаси тарафларининг аралаш жавобгарлиги юзага келган ҳолатда жароҳатланган кишига етказилган зарарни қоплаш қанақа формула бўйича аниқланади?

## Венн диаграммаси ёрдамида турли ҳолатлардаги зарарни қоплаш методикаларини солиштиринг

